

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Г.Юсупова	
Ўзбекистон халқ хўжалигида Фарғона иқтисодий районининг ўрни (XX асрнинг 50-70 йиллари мисолида)	162
Д.Юлдашева, Н.Набиева	
Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” хужжатли лиро-эпик қиссасида замонамиз қаҳрамони масаласи	165
И.Жўраев	
Бадиий адабиётда ижтимоий-маиший муаммолар ифодаси.....	168
О.Холматов	
Э.М.Ремарк романларида уруш ва инсон талқини	171
С.Хақназарова	
Абдулла Шер асарларида миллий менталитет ва маҳаллий колорит ифодаси	175
А.Мамажонов	
Мазмуни умумлашган қўшма гаплар.....	178
Н.Қўлдашев	
Экологик лингвистика фанлараро илм-фан сифатида: манба ва динамика	181
М.Ғофурова	
Нутқнинг лингвомаданий жиҳатдан бўёқланганлиги ва уни белгиловчи омиллар	185
У.Буриева	
Функционал дискурс таҳлили муаммолари	189
Д.Ҳакимова	
Нутқий мулоқотнинг гендерологик фарқланиш масалаларига оид	192
Ҳ.Сотволдиева	
Мақол ва маталлар олами идрок этиш миллий хусусиятларининг инъикоси сифатида	195
М.Мамажонов	
Аллюзив антропонимлар ва уларнинг бадиий матнда қўлланилиши.....	198
Ш.Имомназарова	
Ўлан ва лапар жанрларининг ўзаро муштарак ҳамда фарқли хусусиятлари	200
Ф.Анварова	
Синонимларнинг тилда қўлланилиши	204
М.Ҳайитова, М.Мирзаахмедов	
Боғча болалари ўртасида инглиз тилини ўқитишни такомиллаштиришнинг баъзи педагогик асослари	207

УДК: 4

НУТҚИЙ МУЛОҚОТНИНГ ГЕНДЕРОЛОГИК ФАРҚЛАНИШ МАСАЛАЛАРИГА ОИД
 К ВОПРОСАМ ГЕНДЕРНОЙ ДИФФЕРЕНЦИАЦИИ РЕЧЕВОГО ОБЩЕНИЯ
 TO GENDER DIFFERENTIATION OF SPEECH COMMUNICATION

Д.Ҳақимова

Аннотация

Мазкур мақола нутқнинг гендер фарқланиш масалаларига бағишланган. Унда гендеролингвистика муаммолари шарҳланган.

Аннотация

Данная статья посвящена проблеме гендерной дифференциации речи. В ней проводится анализ гендеролингвистических проблем.

Annotation

This article is dedicated to the issues of gender differentiation of speech and problems of gender linguistics are illuminated.

Таянч сўз ва иборалар: гендеролингвистика, табулашган бирлик, аёллар тили, субмаданият, тобе гуруҳ, ҳукмрон гуруҳ.

Ключевые слова и выражения: гендеролингвистика, табуированная единица, язык женщин, субкультура, подчиненная группа, доминантная группа.

Keywords and expressions: gender linguistics, tabooed language unit, language of women, subculture, dependant group, dominant group.

Ҳозирги даврда фанлараро интеграция туфайли тилшуносликда ҳам икки фан оралиғида пайдо бўлган соҳалар жадал ривожланмоқда. Компьютер лингвистикаси, когнитив тилшунослик, нейролингвистика, психоллингвистика, прагмаллингвистика, лингвопоэтика, социоллингвистика сингари фан тармоқларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Соҳа олимлари бу борада кўплаб ютуқларга эришмоқдалар. Аммо ҳамма янги соҳаларни бирдай жадалликда ривожланиб борапти, деб бўлмайди. Масалан, гендеролингвистика соҳасида айрим тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, муаммолар ҳали тўла-тўқис ўрганилганича йўқ. Тил системаси орқали бундай муаммоларни ўрганиш ва тадқиқ этиш энг долзарб масалалардан бири саналади. Бу масалаларни ўрганиш ўзининг узоқ тарихига эгадир. Ўзбек тилшунослигида аёллар нутқининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишга қизиқиш XX асрнинг 80-йилларига тўғри келади. Бироқ бу масалалар бизнинг тилшунослигимизда ҳанузгача ўз ечимига эга бўлмаган йўналишлардан бири сифатида ўз тадқиқотчисини кутмоқда ва тилшуносликда бу борадаги янги тадқиқотларни амалга

ошириш эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу муаммо дунё тилшунослигида айнан японларда жиддий тадқиқот объекти сифатида ўртага ташланган ва ўрганилган. Ҳақиқатан ҳам уларда гендер лингвистикаси термини билан номланган соҳа мақомига эга бўлган нутқда аёл ва эркак жинсига кўра лисоний фарқлар аниқ кўзга ташланиб туради. Тилшуносликда бу масалалар жинс факторининг тилга таъсири билан намоён бўлади. Барчамизга маълумки, социология ва психология фанларида “гендер” тушунчаси “биологик жинс” тушунчасидан фарқланувчи ижтимоий тушунча ҳисобланади. Бунинг асосида жамиятда эркак ва аёлларга хос бўлган хусусиятлар негизида шаклланган “ижтимоий жинс” тушунчаси ётади [2]. Бу эса гендер лингвистикасида ўзига хос назариянинг шаклланишига хизмат қилади. Бундан ташқари, бадиий адабиётда қаҳрамонлар характерини очиб бериш билан боғлиқ бўлган нутқнинг ўзаро функционал алмашинуви натижасида соҳанинг янги муаммолари кун тартибига кўйилади. Гендеролингвистикада тилнинг антропологик ва функционал хусусиятлари асос қилиб олинади. Айни пайтда эркак ва аёллар нутқида ўзаро фарқ гендер гуруҳлар мулоқотидаги ифода

Д.Ҳақимова – ФарДУ, филология факультети ўзбек тили йўналиши 3– босқич талабаси.

шакллари билан ажралиб туради. Шулардан келиб чиққан ҳолда нутқда жинсга хос хусусиятларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини ажратиш муҳимдир.

Рус тилшунослигида тилнинг гендер фарқланиши соҳасига оид дастлабки тадқиқотлар XX асрнинг дастлабки йилларида бошланган бўлишига қарамай, бу масалага қизиқиш 1960 йилларда социолингвистика соҳасининг ва феминистик ҳаракатнинг шаклланиши натижасида пайдо бўлди. Аслида бу масалаларнинг келиб чиқиши Р.Лакоффнинг “Тил ва унда аёлларнинг ўрни” мавзусидаги ишида гендер коммуникатив фарқланишига оид қарашлари билан боғлиқ [3,7-18]. У биринчилардан бўлиб аёллар ҳамда эркаклар тилдан турлича фойдаланишларини таъкидлаб, шу асосда “аёллар тили” иборасини қўллайди. Аёллар нутқининг гендер ўзига хослиги лингвистик тавсифининг кучсизлиги билан белгиланади. Уларнинг нутқи ажратувчи ифодалар, сўроқлар, модал сўзлар, кучайтирувчи лексик бирликлар орқали ажралиб туришини айтиб ўтади. Д.Малц ва Р.Боркер аёл ва эркаклар нутқида коммуникатив хусусиятларнинг маданий фарқланишларини мисоллар билан изоҳлайдилар. Бу соҳада улар Дж.Гамперц қарашларига суянадилар. Турли маданиятга оид вакилларнинг алоқа аралашув жараёнида ҳар бир иштирокчининг ўзига хос тасавури, аралашув қоидалари ва нутқий ахлоқининг нормалари мавжуд. Й.Ариес ва кейинчалик Д.Танен аёллар ва эркаклар алоқа-аралашувида қандайдир услубий фарқланиш борлигини таъкидлайди [1]. Й.Ариес мулоқот жараёнида эркакларнинг аёлларга нисбатан ҳар қандай тингловчига бевосита мурожаат қила олишлари мумкинлигини айтиб ўтади. Аёлларда эса бу ҳолат секин-асталик билан, суҳбатга қизиқиш жараёни бошланиши натижасидагина кузатилишини таъкидлайди. Жон Коац ўз тадқиқотларида аёл ва эркак мулоқот услубини фарқлаб, улар нутқидаги ўзига хос жиҳатларни ажратиб кўрсатади. Аёллар нутқидаги ажралиб турувчи жиҳатлар сифатида қуйидагиларни айтиб ўтади: кўп гапириш, яъни сергаплик; ҳушмуомалалик; ҳушомад ва мулозамат кўрсатиш.

Аёллар нутқидан фарқли равишда эркаклар нутқида қисқа жавоб реакциялари, ажралиб турувчи саволлар, ҳукмронликни намоён қилувчи буйруқ ва кўрсатмалар мавжудлиги таъкидланади. Бундан ташқари Ж.Коац тилнинг гендер бўйича фарқланишини ўрганишда икки хил ёндашувни ҳам таклиф қилади. Биринчи ёндашув аёллар ва эркакларнинг турли суб маданий гуруҳга мансублигидир. Бу, аёллар ва эркакларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ маданиятига бориб тақалади. Маълумки, барча халқларда аёлларнинг мулоқот тарзи, хулқ-атвори, муомала-муносабати эркаклардан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Айни шу масалалар тилдаги гендер фарқланишга асосланган тадқиқотлар учун биринчи ёндашув саналади. Иккинчи ёндашувда эса аёллар тобе гуруҳ деб қаралади, яъни аёллар турмуш тарзи, фаолиятида тобелик, бўйсунуш, эркакларда эса етакчилик, доминантлик хусусиятлари ажралиб туради ва шу нарса икки жинс вакилларининг нутқида ҳам намоён бўлишини кузатишимиз мумкин. Юқоридаги икки хил ёндашувдан биринчиси асосий тадқиқот объекти саналади. Гендерни тадқиқ этиш бўйича икки хил ёндашувнинг яратилиши Ж.Коацнинг гендеролингвистика соҳасига қўшган ҳиссаси саналади.

Юқоридаги тадқиқотчилардан фарқли равишда Жон Ҳолмс ўз ишларида аёллар нутқини ўз шахсий муносабатларини тиклаш, ўрнатиш, кучайтириш, тингловчидан фойдаланиш мақсадида ишлатадилар, деган фикрни илгари суриб, бундай пайтларда алоқа-аралашувнинг эркакларга хос услубида эса информативлик, яъни ахборот бериш устунлик қилишини ҳам таъкидлайди. Бу фарқланиш нутқий мулоқот жараёнида бевосита сезилиб туради. Аёллар нутқи эмотив, яъни ҳис-туйғуга тўла бирликлар, ҳушомадли маркерлар қўлланиши билан ҳам ажралиб туради.

Н.Бритон ва Жон Ҳол эркаклар нутқи аёллар нутқидан тажовузкорлиги билан ажралиб туради, деган фикрларни айтиб ўтишади. Эркакларда доминантликка мойиллик юқори бўлади, улар баланд овозда гапирадилар. Бундай пайтда аёлларда эмоционаллик, юмшоқлик, бошқаларнинг ҳис-туйғуларини қабул қилиш, ёлғон-яшиқларга мойиллик ва пассивлик кузатилади. Алоқа-аралашувдаги гендер

фарқланиш аёллар ва эркеклар нутқида стереотиплар сифатида кўзга ташланади. Одатда, аёллар жуда кўп гапирадилар, эркекларга нисбатан сергап бўладилар, лекин шу билан бир қаторда, улар энг яхши тингловчи бўладилар, эмоционал-экспрессивликка берилувчан бўладилар. Н.Бритон ва Жон Ҳол юқоридагиларга қўшимча равишда нутқнинг бевосита таркибий қисми бўлган новербал воситалар ёрдамида ҳам гендер фарқланишини кузатишимиз мумкин, деган фикрни илгари сурадилар. Жумладан, аёллар имо-ишора, мимикадан эркекларга нисбатан кўп ва ўринли фойдаланадилар. Аёллар нутқида кўпинча табассум билан боғлиқ ҳолатлар, табассум билан гапириш кузатилади. Аёллар новербал сигналларни тез англайдилар. Шунинг учун ҳам аёллар нутқий жараёнда новербал воситалардан фойдаланишда ҳам ҳушёр бўладилар. Аёллар ва эркеклар нутқидаги турлилик

уларнинг ёшлик чоғиданоқ онгига сингиб боради ва улар фонетик, лексик, грамматик қонун-қоидаларни айнан ўз жинсларига монанд ҳолатда ўрганадилар. Аёл ва эркек нутқи ёшлигидан ўз жинсига оид бўлиб шаклланади. Болалар ёшлигидан бошлаб аёл ёки эркек нутқи андазасини ола бошлайди. Қизлар ёшлигидан юмшоқ, ўғил болалар эса лидерликка мойил равишда лидерликка интилиб катта бўладилар, буйруқ, кўрсатма беришга мойил бўладилар. Қизлар нутқида эса яқинлик, мулойимлик, тобелик акс этади.

Тилда гендерологик характерга эга бўлган жиҳатлар талайгина. Уларда фонацион, лексик ва экстралингвистик омилларнинг қўлланишига кўра таҳлиллар олиб бориш лозим. Бу, ўзбек тилшунослигида ечимини кутаётган масалалардан саналади.

Адабиётлар:

1. Aries E. Internation patterns and themes of male, female and mixed groups, Small group behavior, vol. 1, 1976.
2. Гриценко Е.С. Язык как средство конструирования гендера. ДД. –Нижний Новгород, 2005.
3. Lakoff R. Language and woman`s place. N. Y., 1975.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)